

Ўз вақтида огоҳлантириши, қутқариши ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



Vaziyat

2023 йил
22 июнь
№ 25 (914)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

ЎРГАНИШ ЯКУНЛАРИГА БАГИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига багишлиган Қўмита мажлиси ўтказилди.

Мажлисга Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Марказий аппарати ҳамда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг раҳбарияти ва масъуллари таклиф этилдилар.

Тадбир давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчилари, қутқарувчилар Ватан олдидаги бурчларини сидқидилдан бажариб келаётганини, қутқарувчилар қалтис вазиятларда воқеа жойига биринчи бўлиб етиб бориши, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида, ўз ҳаётини хавфга қўйиб бўлса-да, фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини тугатишга шикоат билан киришиши Қўмита томонидан юксак даражада эътироф этилди.

Ёнгин ва авария-қутқарув техникаси, жиҳозлар маҳаллий турларининг ишлаб чиқарилишини ривожлантириш борасида моддий-техник базани босқичма-босқич мустаҳкамлаш жараёни ҳам депутатлар назаридан четда қолмай, бу борада эришилган ютуқларга ҳам тўхтаб ўтилди.

Қутқарув хизмати жуда муҳим соҳадир. Сўнгги пайтларда ер юзида фавқулодда вазиятлар тез-тез содир бўлмоқда, ўлкамиз зилзила, сел ва сув тошқинлари, ер кўчкиси ҳодисаларидан холи ҳудуд эмас. Халқимиз бундай таҳдидларга доим тайёр туриши керак. Шу боис ушбу соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг меҳнати мамлакатимиз учун долзарб ва стратегик аҳамият касб этади.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишининг самарали тизимини яратиш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Мазкур хужоатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, соҳага оид қонун ҳужоатларининг ижросини назорат қилиш, уни тақомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиши мақсадида Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг Ишчи гурӯҳи томонидан «Қутқарув хизмати ва

қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ижро этилиши ҳолати жорий йилнинг май ойида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Маълумотларга кўра, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги



ёнғин-қутқарув тузилмалари томонидан 2022 йил давомида жами 173841 та чиқиши амалга оширилиб, уларда 3994 нафар фуқаронинг ҳаёти сақлаб қолинган.

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида кўлами ва мазмунига кўра салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига асос солиниб, 2019 йилда Ички ишлар вазирлигидан Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилди. Натижада фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар содир бўлгандан ҳаракат қилиш бўйича яхлит давлат тизими ва унинг мувофиқлаштирувчи органи ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)



УШБУ СОНДА:

XATARLI ILLAT



3-бет

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ



5-бет

KORXONADA O'RGANISH



7-бет

ҚУЁШ НУРЛАРИ
ҚАЙ ДАРАЖАДА ЗАРАРЛИ?



8-бет

ЎРГАНИШ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли испоҳотлар доирасида соҳага оид қонунчилик мустаҳкамланди, хусusan, «Фуқаро мухофазаси тўғрисида»ги, «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги, «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги ҳамда «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусияти фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Қўмита Ишчи гурӯҳи томонидан ўрганиш давомида фавқулодда вазиятларда қутқарув хизматларининг тезкор ҳаракатланишига доир белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишига эътибор қаратилди.

Жумладан, ишчи гурӯҳи томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган саноат зоналарида, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида қутқарув хизматлари фаолияти, моддий-техник базаси ўрганилди.



Бундан ташқари, айни тадбирлар мобайнида мамлакатимиз учун муҳим сиёсий-иктисодий аҳамият касб этувчи халқаро автомобиль йўлнинг «Қамчик» довонига тегишли қисмида қутқарувчilar фаолияти депутатлар томонидан атрофлича

Довонда юз бериш эҳтимоли бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятлarda ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, қутқарув хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида «Қамчик» довонида механизацияланган назорат-кузатув гурухлари

фаолияти йўлга қўйилган. Салкам йигирма йилдирки, техноген авариялардан ташқари ер ва қор қўчки ҳодисалари ҳам бир неча бор кузатилган бўлса-да, йирик ҳалокатларга йўл қўйилмади.

Ўрганишлар давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият олиб бораётган 20 га яқин кутқарувчи ўртасида касбий фаолиятга оид сўровнома ҳам ўтказилди.

Мажлис ишида таъкидлангани дек, ҳозирги кунда мамлакатимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш тизимининг зарур норматив-хуқуқий базаси шаклланганигiga қарамасдан соҳада ўзечимини кутаётган қатор муаммолар ҳам мавжуд.

Тадбир якунида депутатлар томонидан ўрганиш давомида соҳага доир аниқланган қатор муаммоли масалаларни ҳал этиш, қутқарувчilar тузилмаларни ташкил этиш тизимини янада ривожлантириш бўйича тавсиялар назарда тутилган Қўмита қарори қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси.**

УЧРАШУВ

Республика Ҳарбий прокуратураси ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларининг оиласи билан ишлаш бўйича мутасаддилари ҳамкорлигига Қашқадарё вилояти Қарши тумани Хонобод кўргонида жойлашган ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчи ва хизматчи аёллар ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоқлари билан учрашув ўтказилди.



Мазкур тадбирда ҳарбий хизматчилар оила аёзоларининг имтиёз асосида турар жой билан таъминланиши, олий таълим муассасасига кириш учун фарзандларига имтиёз олиш тартиби ва бошқа ма-

салалар бўйича мурожаатлар юзасидан зарур тушунтиришлар берилди.

Тадбир якунида ногиронлиги бўлган фарзанди мазмуд ҳарбий хизматчининг ҳолидан хабар олинди. Шунингдек, Чирчиқ ҳарбий

прокуратураси томонидан Миллий гвардия Тошкент вилояти бошқармаси билан ҳамкорлиқда Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аёзолари билан ҳам учрашув ташкиллаштирилди.

Айни тадбирда Чирчиқ ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонлиги вакиллари ҳамда Миллий гвардия Тошкент вилояти бошқармаси масъул ходимлари иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аёзоларини ижтимоий қўллаб-кувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мазмун-моҳияти тушунтирилди.

**Шерзод ҲАЙТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг
катта ёрдамчиси,
адлия полковниги.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

Бухоро ҳарбий прокуратураси ҳамда вилоят ФВБ шахсий хавфсизлик хизмати бўлими ҳамкорлигига ФВВ ўта муҳим ва тоифаланган обьектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўйича «ЛУКОЙЛ» қўшма корхонаси обьектларида Ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази шахсий таркиби иштирокида «Инсон ҳуқуқлари – олий неъмат» мавзуусида тарғибот таддиги ўтказилди.



Тадбир давомида Бухоро ҳарбий прокурори томонидан юртимизда амалга оширилаётган испоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. Шахсий таркибининг Ватан олдида бурчи мүқаддас вазифа эканлиги эътироф этилди. Иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

**Муҳаммаджон БОЗАРМИРЗАЕВ,
Бухоро ҳарбий прокурори, адлия полковниги.**

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан «Ҳарбий прокуратура – армия прокуратураси» шиори остида Қуролли Кучлар таркибида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчи ва ходима аёллар иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир бошланишида масъуллар томонидан хотин-қизларни ҳимоя қилишининг ижтимоий-хуқуқий асослари, уларни қўллаб-кувватлаш ва яратилаётган имкониятлар ҳақида батафсил тушунтириш берилди. Масъуллар

томонидан ҳарбий хизматчи аёлларнинг мурожаатлари тингланди.

Шунингдек, малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорлиқда чукурлашти-

ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА – АРМИЯ ПРОКУРАТУРАСИ

рилган тиббий кўрик ташкил этилди.

Куннинг иккинчи ярмида ҳарбий хизматчилар учун Термиз археология музейига саёҳат ташкил қилинди.

**Азизбек АБДУРАХМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг
ёрдамчиси, адлия
подполковниги.**



Наманган вилояти ФВБ ҳамда ИИБ ходимлари, Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлимлари, шунингдек, олий ўқув юртлари декан ўринбосарлари иштирокида талабалар билан давра сұхбати ташкил этилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ, БИРЛАШАЙЛИК!

Маърузачилар томонидан ёз ойларида тақиқланган ҳудудларда чўмилмаслик, талабалар ўртасида доимий равишда дўстона муҳитни сақлаб туриш, ОАВ ва интернет тармоғидан тўғри фойдаланиш ҳақида атрофлича фикрлар билдирилди.

Давра сұхбатида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишиди.

Феруз ЙУЛДОШЕВ,
Наманган вилояти ФВБ ҲФХУМ
бошлиғи, капитан.



ХИРМОНЛАР ЮҚСАЛАВЕРСИН!

Чимбой тумани ФВ бўлими ходимлари ҳам далаларда етилган сара донларни нобудгарчиликларсиз хирмонларга етказилишини таъминлашда муносиб ҳисса кўшмоқдалар.

Жумладан, экин далалари ва "Чимбой дон" МЧЖда ёнгинга қарши чоралар кўрилиб, қабул пунктида сув заҳиралари яратилди ва қўшимча тарзда ҳовуз қурилди. Бундан ташқари, ўрим-ийғимга жалб қилинган 45 та техника ҳамда 15 та комбайннинг техник ҳолати ўрганилиб, 2 та трактор тиркамаси қайтадан таъмиранди. Шунингдек, дон ортиладиган ва тушириладиган жойлар ҳам ҳар куни назорат остига олинган бўлиб, 15 та отряд навбатчилик асосида иккى гурӯҳга бўлинган ҳолда, кечак-ю кундуз хизмат олиб боряпти.

Тунги вақт хизмат ўтаётган отряд ходимлари билан ёнгин содир бўлгандага ҳаракатланиш ва оловни ўчириш анжомларини ишлатиш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш юзасидан мунтазам равишда тадбирлар ўтказилмоқда.

Зафарбек АҲМЕДОВ, Чимбой тумани
ФВ бўлими бошлиғи, капитан.

SAVOLLARGA JAVOB BERILDI

Olmazor tumani FV bo'limi xodimlari томонидан "CLEANLINESS SOURCES" MCHJ ishchi-xizmatchilariga bozor hududida yong'in-qutqaruv avtomobilarining harakatlanshiga xalaqit beradigan, o'zboshimchalik bilan sun'iy beton to'siqlar o'rnatmaslik kerakligi tushuntirildi.

Qolaversa, korxona hududidagi elektr toki tarqatish qutilariga doimiy ma'sul xodimlar biriktirish, gaz tarqatish qutilari mavjud binolarni ko'zdan kechirish, profilaktik tadbirlarni amalga oshirish zarurligi tushuntirildi.

XATARLI ILLAT

FVV shaxsiy tarkibi bilan korrupsiyaviy jinoyatlar va huquqbazarliklarning oldini olish maqsadida, belgilangan chora-tadbirlar asosida tizimli ishlar olib borilmoqda.



Hududiy boshqarmalar va tarkibiy tuzilmalar томонидан олиб borilayotgan tadbirlami ijtimoiy tarmoqlarda kuzatib boryapmiz. Bu yaxshi, albatta. Lekin shularning o'zigina yetarli emas.

Korrupsiyaga qarshi yanada faol kurashishimiz, har bir harbiy xizmatchi va xizmatchi xodimlarni rahbar xodimlarga biriktiргan holda, muntazam ravishda ish tashkil etishimiz kerak. Shu orqali xatarli illatga qarshi kurashishda ma'lum natijalarga erishishimiz mumkin.

Sherzod ABDULLAYEV,
"Qamchiq" MQYQB boshlig'i o'rinnbosari,
podpolkovnik.

Surxondaryo viloyati FVB boshlig'i va o'rinnbosariga biriktiрилган yoshlar bilan o'rganishlar olib borilmoqda.

MUAMMOLAR O'RGANILMOQDA



Xususan, Sariosiyo tumani FV bo'limi bilan hamkorlikda tumandagi "Anorzon" mahallasida yashovchi Azimjon Odilov va "Shahriobod" mahallasida yashovchi Javohir Saidovlarga o'rganish vaqtida qilgan murojaatlariiga asosan, boshqarma boshlig'i томонидан "Ariston" moslamasi hamda sartaroshlik asbob-uskunalari topshirildi.

J.JO'RAYEV,
Surxondaryo viloyati FVB JT va
OAVBHQG boshlig'i, kapitan.



Tadbir qatnashchilarini qiziqtirgan savollar ga javob berildi.

Sarvar ANOROV,
Olmazor tumani FV bo'limi inspektorii,
kapitan.

Farg'ona viloyati FVB xodimlari "Men – donorman" xayriya qon topshirish aksiyasida faol ishtirok etmoqda.

MEN – DONORMAN

Bunday sharaflı vazifa ni bajarish davomida ular xalqimizning og'irini yengil qilish, ko'makka muhtojlarga yordam qo'lini cho'zishdek olyjanob ishga hamisha tayyor ekanliklarini yana bir bor namoyon etdilar.

Joylarda ushu ezgu tashabbus davom ettirilmoqda.

Ahlidin ALIJONOV,
Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i, katta leytenant.

ВАТАНПАРВАРЛИК

Наманган вилояти Поп тумани ФВ бўлими раҳбарлигида Чодак қишлоғидаги қизил тоифага киритилган хонадонлардаги ёшларнинг шарт-шароитлари мунтазам равиша ўрганиб борилмоқда.



Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни тўғри йўлга йўналтириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун спорт мусобақалари ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шу жумладан, Қўқон шаҳридаги Худоёрхон музейига саёҳат ташкил этилиб, Қўқон

хонлиги тарихи билан яқиндан таништирилди.

Бу каби ватанпарварлик тадбирлари вилоят бўйлаб қизғин давом эттирилмоқда.

Рустам ЭГАМБЕРДИЕВ,
Наманган вилояти ФВБ
ОАВваЖТБҲҚГ етакчи
мутахассиси.

ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги Бошлангич тайёргарлик ва малака ошириш марказида касбийлаштирилган ёнгин-қутқарув қисмлари ёнгин-қутқарув автомобили қутқарувчи-ҳайдовчилари таркиби билан Самарқанд шаҳридаги "Samarcand ISUZU" автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган замонавий ёнгин-қутқарув автомобиллари бўйича ўқув семинари ташкил этилди.

Машғулот давомида ёнгин, авария ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишда фойдаланиладиган ёнгин-қутқарув автомобили ва ундаги мавжуд авария-қутқарув асбоб-анжомлари бўйича тушунчалар берилди.

Ш.БАҚОЕВ,
ФВВ Академияси ҳузуридаги БТвамом
цикл бошлиғи, подполковник.

Жасур ХОЛМУРОДОВ,
цикл ўқитувчisi, майор.



SOG'LOM OILA

FVV "LUOK" MCHJ OYXTTE Markazi Qashqadaryo viloyatidagi markazi harbiy xizmatchilarining oilaviy jamoalari o'rta-sida "Sog'gom oila – yangi O'zbekiston tayanchi" shiori ostida sport musobaqa-lari o'tkazildi.



Ushbu musobaqada markaz tarkibidagi yong'in-qutqaruv qismalaridan 16 ta oilaviy ja-moa qatnashdi. Birinchi o'rinni Qashqadaryo viloyatidagi OYXTTEB 6-yong'in-qutqaruv qismi smena boshlig'i katta leytenant A.Qo'chqorovning, ikkinchi o'rinni Buxoro viloyatidagi OYXTTEB 1-yong'in-qutqaruv qismi instruktor-qutqaruvchisi oddiy askar Y.Hasanovning, uchinchi o'rinni Qashqadaryo viloyatidagi OYXTTEB 6-yong'in-qutqaruv qismi haydovchi-qutqaruvchisi oddiy askar G.Jurayevning oilaviy jamoalari qo'lga kiritib, qimmatbaho sovg'alar hamda faxriy yorliqlar bilan taqdirlандilar.

S. HAMIDOV,
FVV "LUOK" MCHJ Qashqadaryo viloyatidagi OYXTTEB inspektor.

RUHIY TAYYORGARLIK

Qarshi shahar FV bo'limi 1-yong'in-qutqaruv qismida qutqaruvchilarni balandlik va noqulay sharoitlarda ishlashga o'rgatish, ruhiy tayyorgarlikni oshirish, bu boradagi ko'nikmalarini shakllantirishga qaratilgan amaliy-taktik mashg'ulot bo'lib o'tdi.

Shuningdek, "Qarshi bosh kanali"da qutqaruvchilar uchun ruhiy tayyorgarlik mashg'ulotlari olib borildi. Sinov mashqilarida, kanaldan chaqqonlik bilan suzib o'tish, cho'kayotganni qutqarish va unga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish harakatlari amalda bajarildi.

Y.ESHMATOV,
Qarshi shahar FV bo'limi 1-YQQ smena boshlig'i, kapitan.

Laziz RAJABOV,
Qashqadaryo viloyati FVB otryad komandiri, podpolkovnik.



Toshkent viloyati huquqni muhofaza qiluvchi kuch tuzilmalaridagi yosh harbiy xizmatchilar o'rta-sida "Bilim va tafakkurimiz — shu el uchun, shu yurt uchun!" shiori ostida "Zakovat" intellektual o'yini o'tkazildi.

Tadbir yakunida Toshkent viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi jamoasi birinchi o'rinni qo'lga kiritdi hamda 1-darajali diplom va kompyuter jamlanmasi bilan taqdirlandi.

O.ZIYODULLAYEV,
Toshkent viloyati FVB boshlig'i
o'rinosari, podpolkovnik.

KЎРГАЗМАЛИ ТАРЗДА

"Чодак" ўқчилик-ёнғин учириси командасида "Зилзилалар даврида тұғри ҳаракат ва ишчи-ходимларни эвакуация қилиш" мавзуусида амалий үкув машқи үтказилди.

Тадбир давомида иштирокчиларга зилзилаларнинг содир бўлиш сабаблари, уларнинг оқибатлари ҳамда зилзилаларда тұғри ҳаракат қилиш бўйича на-зарий тушунчалар берилди.

Машқ жараёнларида зилзилалар даврида ахолининг ҳаракатлари, зарур моддий бойликлар ва жабрланганларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий ишлар бажарилди.

Ш.АБДУСАТТОРОВА,
"Қамчик" МҚЕҚБ ОАВ ва
ЖТБХҚБ етакчи мутахассиси.



Поп туманида зилзила вақтида тегишли ҳаракат ва тадбирларни амалга оширишга бағишиланган кўргазмали кўмondonlik-штаб үкув машқи үтказилди.

АМАЛИЙ САБОК

Тадбирда қайд этилганидек, ер юзида табиий оғатларнинг тури кўп. Табиий оғатлар орасида энг кўп зарар келтирадигани кучли зилзила ҳисобланади. Одатда кучли зилзилалар одамларни үлдirmайди, балки улар томонидан индивидуал қурилган антисейсмик бино ва иншоотлар, амалга оширилган нотұғри хатти-ҳаракатлар фокиага сабаб бўлиши мумкин.

Үкув машқида зилзилада тұғри ҳаракатланиш ва унинг оқибатларини бартараф қилиш чоралари амалда кўрсатиб үтилди.

Үткиржон
МАМАСОДИҚОВ,
Поп тумани ФВ
бўлими бўлинма
бошлиғи,
лейтенант.



МАХСУС-ТАКТИК ҮКУВ

A-373-“Тошкент-Уш” автомобиль йўлининг 241 км. даждылашган “Резак” тоннели худудида “Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда обьект ФМ тузилмалари ҳамда худудий ФВДТ хизматлари куч ва воситалари билан ҳамкорликдаги ҳаракатлар” мавзуусида 2 босқичдан иборат маҳсус-тактик үкув машқи үтказилди.

Үкув машқи давомида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ҳаракатлари амалда кўриб чиқилди.

М.ДАРХАНОВ,
“Қамчик” МҚЕҚБ бошлигининг биринчи
үринbosari – Штаб бошлиғи,
подполковник.



"O'ztransgaz" AJ G'allaorol MGQ boshqarmasi fuqaro muhofazasi tuzilmalari shaxsiy tarkibi, куч ва vositalarining shayligini tekshirish maqsadida saf ko'rigi hamda ziziia oqibatlarini bartaraf etishga oid maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

KUCH VA VOSITALAR SHAYLIGI



Dastlab kuch va vositalarning shayligi tekshirilib, topshirilgan berilgan bo'lsa, korxonada shartli ravishda yuz bergan zilzila oqibatida vayronalar ostida qolib ketgan jabrlanganlarni qutqarish va birinchi tibbiy yordam ko'rsatish ishlari namunali tarzda bajarildi.

Davronbek SULAYMONOV,
Sirdaryo viloyati FVB axborot xizmati boshlig'i, katta leytenant.

Hasan ABDUSAMOTOV,
Xovos tumani FV bo'imi boshlig'i, mayor.



ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ

Бир қатор нуфузли спорт мусобақаларида юксак натижаларни қайд этган, салмоқли ютуқларни қўлга киритган Рўзимурод Умбаров пурвиқор тоғлари, гўзал табиати билан тилларга тушган Қашқадарё фарзанди.



Қашқадарё вилояти ФВБ Махсус вазифаларни бажарувчи минтақавий кутқарув отряди кутқарувчиси сифатида хизмат фаолиятини олиб бораётган бу йигит ҳақиқий маънода қаршиликларнинг фахрига айланган. Унинг Тошкент шаҳрида "Ашихара-каратэ" спорт тури бўйича ўтказилган Осиё очик чемпионатида 70 кг. вазнда кураш олиб бориб, 2-ўринни эгаллагани, жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритгани нафақат ота-онаси ва яқинлари, балки бутун Файзобод қишлоғи аҳли, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги учун ҳам унтилмас воқеа бўлди.

1996 йилда Зиёдулла Умбаров ва Фотима Саломова оиласида дунёга келган Рўзимурод ёшлигидан спорт соҳасига узгача меҳр қўйди. "Ўзбекистон" локомотив депоси ҳайдовчиси бўлиб ишлаб келаётган Зиёдулла aka ҳам фарзандининг спорт билан мунтазам шуғуланишини чин дилдан истади ва ўғли учун барча шароитларни яратиб

ган, десак муболага бўлмайди. У ўз устида тинимсиз ишлаган ва ўзи билан курашишга ўзини мажбурлаган, дейиш мумкин.

дарё вилояти очик чемпионатида 2-ўринни, "Кикбоксинг" бўйича Ўзбекистон чемпионатида эса 1-ўринни забт этди. 2016 йилда спортнинг "Ашихара-каратэ" йўналишида ташкил этилган Самарқанд очик чемпионатида 1-ўринни, 2017 йилда "Кикбоксинг" бўйича Ўзбекистон чемпионатида яна 1-ўринни, худди шу йилнинг ўзида Руминия давлатида булиб ўтган "Ашихара-каратэ" бўйича жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллади. 2018 йилда "Кикбоксинг" спорт тури бўйича ташкил этилган Осиё очик чемпионатда 2-ўрин соҳибига айланди.

Рўзимурод Умбаров 2018 йилда муддатли ҳарбий хизматга бориб, Ватан олдидағи бурчини садоқат билан ўташ давомида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги спорт клуби армия қўл жанги мусобақасида Тошкент ҳарбий округи миқёсида 2-ўринга, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги кўшинлари терма жамоалари ўртасида ўюштирган қўл жанги мусобақасида эса 1-ўринга сазовор бўлади. Мана шу йилнинг ўзида МДҲ давлатлари ўртасида ўтказилган қўл жанги спорт

мусобақасида 3-ўрин эгасига айланади.

Қаҳрамонимизнинг бу каби зафарли қадамларига кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Муҳими шундаки, у ўзини нафақат маҳоратли кутқарувчи, балки жасоратли, матонатли спортчи сифатида ҳам намоён қилиб, ўз ортидан умидли ёш спортчиларни эргаштириб келмоқда.

Рўзимурод Умбаров айни пайтда Қарши давлат университетининг 1-курс талабаси булиш билан бир қаторда, Қарши тумани Чўл ота қишлоғидаги 55-мактабда профессионал ва ҳаваскор К-1 ва "Ашихара-каратэ" спорт турлари бўйича ёш спортчиларга мураббийлик ҳам қилмоқда.

Бир нафар фарзанднинг отаси бўлган Рўзимурод Умбаров спортда ўзига хос талаблар борлигини яхши билади, инсоннинг имкониятлари деярли чексиз эканлигига ишонади. Акс ҳолда мураббий бўла олмасди. Спорт мусобақаларида унинг матонати кўпчиликни ҳайратда қолдиради, албатта.

Кучлилар ҳамиша ғолиб, дейишади. Кучлилик шундайки, инсон ҳам маънан, ҳам жисмонан кучли, бир сўз билан айтганда, баркамол бўлмоғи лозим. Халоскорлар сафида бутун умрини эзгу ишга сарфлаб, инсонларни оғат ва ҳалокатлардан кутқариб келаётган Рўзимурод Умбаровни ҳам чинакам маънода баркамол, юртнинг садоқатли ва матонатли ўғлони десак, муболага қилмаган бўламиш.

Умидимиз шуки, юртимизда Рўзимуроддай мард ва тантн یигитлар кўпайсин, ҳам халоскор, ҳам спортчи ҳамкасбимизнинг зафарли юришлари ҳамиша бардавом бўлсин.

Анвар ҚОБИЛОВ,
"Vaziyat" мухбири.

беришга ҳаракат қилди. Бундай имкониятлардан ўз ўрнида ва унумли фойдаланган Рўзимурод 8 ёшидан бошлаб, спорт соҳасига қадам қўйди. 12 ёшидан бошлаб, спортнинг "Кикбоксинг" ҳамда "Ашихара-каратэ" йўналишлари билан шуғуланишга киришиди. Р.Умбаров жуда кўп машқ қилгани боис, ғайритабиий истеъдод соҳибига айлан-

Қаҳрамонимиз устози Ҳамза Қуллиевнинг (охирати обод бўлсан!) саъйҳаракатлари ва кўмагида кўплаб ютуқларга эришган. Жумладан, 2015 йилда Қашқадарё вилояти Китоб тумани ҳокими кубоги биринчилиги мусобақасида 1-ўринни қўлга киритган бўлса, шу йилнинг ўзида "Ашихара-каратэ" йўналиши бўйича ўтказилган Қашқа-



ОГОН ВО'LAYLIK!



Cho'milish huzurbaxshligi bilan bir qatorda, har yili dunyo bo'yab 300 ming nafarga yaqin inson mana shu huzur istagida belgilanmagan joylarda cho'milishi oqibatida hayotdan bevaqt ko'z yumayotganligi yoki bo'lmasa, har yili kemalar halokatga uchrashi oqibatida ko'plab insonlarning hayotdan bevaqt ko'z yumiishi kishini o'uga toldiradi.

Yoshlar o'tasida yuzaga kelayoutgan suvdagi halokatlarning aksariyati ulaming nazoratsiz qoldirilishi va o'zboshimchaliklari oqibatida sodir bo'lmoqda.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, suvda cho'kib halok bo'lgan yoshlarning 95 foizi ota-onalar tomonidan nazoratsiz qoldirilganligi hamda o'zboshimchalik bilan belgilanmagan va taqiqlangan joylarda

cho'milishi oqibatida sodir bo'lgan. Asosan katta yoshdagagi fuqarolarning suvda cho'kishlariga ularning spirli ichimliklar iste'mol qilib, mast holda cho'milish uchun suvgaga tuishishlari sabab bo'lmoqda.

Aktam ABDURASHIDOV,
Kitob tumani FV bo'limi
bo'linma boshlig'i,
katta leytenant.

ДОВОНДАН ХАБАРЛАР

"Қамчик" МҚЕҚБ навбатчи-диспетчерига "Чинор" МФЙда истиқомат қилувчи С.Ж. исмли фуқаро Янгиҳаёт кўчасида жойлашган боғида ёнгин келиб чиқсанлиги тўғрисида маълумот берган.

Ёнгин оқибатларини бартараф этиб, навбатчилик жойига қайтаётгандарida "Вешқўл" навбатчилик масканида йўлда Ангрен шаҳар "Жигаристон" МФЙ Турк қишлоғи худудида очиқ майдон ёнаётгандигига гувоҳ бўлган.

Воқеа жойига зудлик билан "Қамчик" маҳсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармаси ҳамда Ангрен ФВ бўлимидан кутқарувчилар чиқсан. Ушбу ёнгин ҳам тулиқ бартараф этилди.

Ходиса оқибатида жабрланганлар ва моддий зарар бўйича маълумотлар келиб тушмаган.

А.ҚУДРАТОВ,
"Қамчик" МҚЕҚБ бўлим бошлиғи,
кичик сержант.



"Қамчик" маҳсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармасининг навбатчи-диспетчерига келиб тушган маълумотга кўра, "Қамчик" довонининг 194,4-километрида "Водий-Тошкент" йўналишида ҳаракатланиб кетаётган "Epica" русумли автомобиль ҳайдовчисининг эътиборсизлиги натижасида йўл четидаги хандақка тушиб кетган. Автоулов ичida ҳайдовчи ва 3 нафар йуловчи бўлган. Натижада 3 нафар йуловчи тан жароҳати олган.

Воқеа жойига зудлик билан "Қамчик" МҚЕҚБ ҳамда йўл-патрул хизмати ходимлари чиқишиб, автоулов зудлик билан маҳсус техникалар ёрдамида хандақдан чиқарилди.

А.АКБАРАЛИЕВ,
"Қамчик" МҚЕҚБ қутқарувчisi,
оддий аскар.

Тупроқалъя тумани ФВ бўлими ходимлари томонидан аҳоли яшаш жойларида favqulodda vaziyatlarining oldini olishga aloҳida эътибор қaratilmoxda.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН



Жумладан, корхона ва ташкилотларда ишчи-хизматчilar bilan urashuvlар utkaziliib, ёнгин xavfsizligi қoидalariiga riоя қилиsh yozasidan tushuntiriшlar berilmoxda. Курилиш iшlari olib borilaётgan obiectlarda ёnгин xavfsizligi қoидalariiga amal қilinishi ni ta'minlash maқsadi da gaz va elektr pайvandchilar bilan yuriqnomalar utkazilaypti. Davlat andozalari va boşqa meъeriy texnik talablariga mos ravišda olib borilaётga-

ni назорат қилиnmoқda.

Шунингдек, kичик biznes va xususiy tadbirkorlik sубъектлari va ularning bino va inshoottlari, mol-mulkini ёnгинlar dan asrasha maқsadi da bir qator profilaktik tadbirlar amalga oshirib kelinmoқda.

Самандар САМАНДАРОВ,
Тупроқалъя тумани ФВ
бўлими бўлинма
бошлиғи, катта
лейтенант.

Навоий шаҳри марказida жойлашgan "Mash'al" mehnat dam olish oromgoҳida HMKM "Navoriyr" va "Navoriyyon" kon metalurgiya kombinati жамғarmasi давлат muassasasi korxonalari iшchi-xizmatchilarinинг farsandalaridan tashkil topgan 14 ёшdan 16 ёшgacha bўlgan 100 naфарга яқин bolalalar ishtirokiда tarfibot-tashviqot iшlari olib borildi.

Тадбирda bolajonlar bilan ёnfinning oldini olishga қaratilgan tushuntiriш iшlari utkaziliib, ёnгин sодир bўlganda ҳaракat қiliш va nimalarga эътибор beriш ke-rakligi, birlamchi ёnгин учириш vositalaridan foydala-nish taribi ҳamda chumiliш қoидalariiga riоя қiliш yozasidan maъlumotlар berildi.

Шу bilan birga, ёnгин учiriш teknika larinинг kургazmali namoyishi ҳam tashkil etiliib, bolajonlar ёnгин учiriш vositalarinin имконiyatlari bilan taniшиriлди.

Маъруфжон ҲАЙТОВ,
HMKM ёхттэм guruh
бошлиғи, катта
сержант.
Ҳаётбек ХОЛИҚУЛОВ,
инспектор,
катта лейтенант.

ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ

Buxoro viloyati FVB, shaҳar ҳokimligi vakkilari va mutasaddi tashkilotlar hamkorligida Marказий deҳқон bозорida profilaktik tadbir tashkil etildi. Ishchi guruh томонидан bозор xududi dargan iчki йўлaklarни tadbirkorlar томонидан sun'iy ravishda туsilkangligi aniklandi.

Шу куни sun'iy tusiқlarni bartaraf etish choralari kуrilid. Savdo dўkonlariida tartibisiz tarzda uланган elektr simlari ning meъer talaablari tarzda urnatiliishi bўyicha shaҳar elektr tarmoqlari korxonasasi xodimlariiga topshiriqlar berildi.

By kabi urganiшlар shaҳar va tumanlardagi barcha savdo mажmuалari va bозorlarda davom ettiрилmoқda.

Миржон ФАЙЗУЛЛОЕВ,
Buxoro viloyati FVB
matbouт xizmati
boшлиғi, kapitan.



BOZORLARDA REYD

Dehqonobod tumanidagi bozorlarda favqulodda vaziyatlarining oldini olish va yong'in xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan profilaktik tadbirlar o'tkazilmoqda.

Xususan, "Dehqonobod oziq-ovqat va buyum bozori" MCHJ hududida mutasaddi tashkilotlar hamkorligida tadbirlar tashkilashtirildi.

Ishchi guruh томонидан tadbirkorlar va xaridorlarga tabiiy va texnogen xususiyatlari favqulodda vaziyatlar ro'y berganda to'g'ri harakat qilish tartibi, yong'in keltirib chiqaruvchi nosoz elektr tarmoqlaridan foydalanmaslik, hushyorlik va xavfsizlikni ta'minlash yuzasidan maъlumot va tushuntirishlar berildi.

Hozirda ushbu tadbirlar davom ettiрилmoқda.

O'tkirbek YULDASHEV,
Dehqonobod tumani FV bo'limi bo'linma
boshlig'i, mayor.

YONG'INDAN ASRANG!

Qashqadaryo viloyati FVB томонидан viloyat hududidagi 5 ta donni qayta ishlash korxonasi, 18 ta don mahsulotlarini qabul qilish shohobchasi, 23 ta don qabul qilish maskanida o'rganishlar o'tkazildi. O'rganishlar davomida ushbu maskanlarda ish olib borayotgan 531 nafar ishchi-xizmatchilar ishtirokida favqulodda holatlarining oldini olish va yong'in xavfsizligi qoidalari talablariga rioya qilish borasida yo'riqnomalar berildi.

G'allani yong'indan saqlash borasida 3 turdag'i 500 nusxada eslatma va bukletlar tarqatildi hamda o'rim mavsumida bevosita ishtirok etadigan 2 ming nafarga yaqin ishchi-xizmatchilar bilan yong'in xavfsizligi qoidalari bo'yicha suhabatlar olib borildi.

Sherzod ABDIRAHMONOV,
Qashqadaryo viloyati FVB bosh
inspektor, mayor.
Anvar MO'MINOV,
Chiroqchi FV bo'limi boshlig'i,
podpolkovnik.

СУВДА ҲАВФСИЗЛИК

Қораңак туманида ФВДТ туман бүғини хизматлари, муассасалар, корхоналар мутахассислари иштирокиде “Чўмилиш ҳавзаларида ҳавфсизликни таъминлаш ҳамда кичик ҳажмли кемалардан ҳавфсиз фойдаланишини таъминлаш” мавзусида ўқув амалий семинари ўтказилди.

Семинар давомида чўмилиш мавсуми давомида сув ҳавзаларида фуқароларнинг ҳавфсизлигини таминалаш ҳамда сувда чўкиш билан боғлиқ баҳтсиз ходисаларнинг олдини олиш, кичик ҳажмли кемалардан ҳавфсиз фойдаланишини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган вазифалар белгиланиб олинди.

А.АМИРХАНОВ,
Қораңак тумани ФВ бўлимни
бўлинма бошлиғи,
катта лейтенант.

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ХОДИСАСИ

“Қамчик” навбатчи-диспетчери берган маълумотга кўра, А-373 “М-39 Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали – Уш” автомобиль йўлининг 224,8 км “Водий – Тошкент” йўналишда ҳаракатланган цистернали “MAN” русумли юк автомашинаси тормоз тизими ишламаганлиги сабабли, авария йўлагига чиқиб, орқага ҳаракатланиб кетиши оқибатида хандақка тушиб кетган. Автомашинада ҳайдовчи ва унинг 1 нафар шериги бўлган. Натижада ҳеч ким тан жароҳати олмаган. Цистернада 25 тонна автомашина мойи бўлган.

Воқеа жойига зудлик билан бошқарма бошлигининг ўринбосарлари подполковник М.Дарханов ва капитан Ш.Кудратов, “Бешқўл” авария-қутқарув отрядидан масъул ходим бошчилигига 2 нафар кутқарувчи, “Қамчик” ёнғин қутқарув отрядидан капитан Б.Аноркулов бошчилигига 5 нафар ёнғин-қутқарувчи, ТТЭ ва ИПХ ходимлари чиқишган.

Тезкор тадбир ва ҳаракатлар натижада ҳодиса оқибати бартараф қилинди.

Э.ОЧИЛОВ,
“Қамчик” МКЕҚБ АҚГ командири,
лейтенант.

Самарқанд вилояти Пахтаки тумани ҳудудида жойлашган Навоий кон-металлургия комбинати жамғармасига қарашли, майдони 13 гектарни ташкил этадиган «Болажон» ёзги болалар дам олиш оромгоҳида ҳар бир мавсумда 500 дан ортиқ ўғил-қиз дам олмоқда.

ОРОМГОҲДА ТАДБИРЛАР



Оромгоҳда 1 та кўнгилли ёнғин учирин дружинаси ташкил этилган бўлиб, ҳудудда 5 та ёнғин учирин қалқонлари ўрнатилган. 3 та болалар чўмилиш ҳовузлари, мавжуд биноларда ички ёнғин учирин жўмраклари, хоналарда кўргазмали ёнғин ҳавфсизлиги бурчаклари ташкил этилган. Биноларнинг кириш ва чиқиш жойларига фавқулодда кутқарув эвакуация чизмалари жойлаштирилган ва ҳудудда 2 та ёнғин учирин гадранти мавжуд.

Оромгоҳда болажонлар билан ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари ўтказилиб, ёнғин содир бўлганда ҳаракат қилиш, бирламчи ёнғин учирин воситаларидан фойдаланиш, чўмилиш қоидаларига риоя қилиш бўйича тушунтиришлар олиб борилди.

Маъруфжон ҲАЙТОВ,
НҚМК ЁХТТЭМ гурух
бошлиғи, катта сержант.
Санжар БАҲОДИРОВ,
инспектор, капитан.

PROFILAKTIKA

“Sho’rtan GKM” MCHJ da “Favquloddda vaziyatlar profilaktikasi kuni” munosabati bilan yig’ilish o’tkazildi.

Tadbirda MCHJ OBYXTTEB PNB boshlig’i podpolkovnik Y.Panjiev so’zga chiqib, yong’inlar va ularning oqibatlari, favqulodda vaziyatlar va yong’in xavfsizligini ta’minlash bilan bog’liq chora-tadbirlar to’g’risida so’z yuritdi. Mahallalardagi oilalar tinchligiga barcha idoralar mas’ul ekanligi, buning uchun hamkorlikdagi ishlarni kuchaytirish, ishchi guruhlar tuzish, tashkil etilgan ishchi guruhi a’zolari mahallalardagi xonadonlarga kirib, yong’in xavfsizligi bo’yicha mavjud muammolarni aniqlab, bartaraf etish choralarini ko’rishi zarurligini aytib o’tdi.

SH.ABDIJAMILOV,
“Sho’rtan GKM” MCHJ OBYXTTEB mutaxassisasi, oddiy askar.

ЖАДАЛЛИК БИЛАН

Сирдарё вилоятининг барча шаҳар-туман ФВ бўлимлари ходимлари томонидан ҳудудларда олиб борилаётган тарғибот тадбирлари давомида чўмилиш мумкин бўлмаган жойларда чўмилаётган фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, ҳудудларга тақиқловчи белгилар ўрнатилмоқда.

Шунингдек, ғалла мавсумида ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида майдонларда огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилиб, ҳудудларда аниқланган, ёнғин-қутқарув автомобилларининг эркин ҳаракатланишига тўсқинлик қилувчи сунъий тўсиқлар олиб ташланмоқда.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ
Ахборот хизмати
бошлиғи, катта лейтенант.
Асрор ГАЗИХОДЖАЕВ,
Гулистон шаҳар ФВ бўлими бошлиғи,
подполковник.

БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

“Қамчик” маҳсус қидириув, ёнғин-қутқарув бошқармаси навбатчи диспетчерига А-373 “М-39 Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали – Уш” автомобиль йўлининг 13-механизацияланган назорат гурух ҳудуди 266,4 км. “Тошкент-Водий” йўналишда ҳаракатланган юк автомашинаси йўл четидаги хандаққа тушиб кетгани ҳақида маълумот келиб тушган.

Воқеа жойига зудлик билан “Резак” навбатчилик масканидан 2 нафар кутқарувчи, ТТЭ ва ИПХ ходимлари чиқишган.

Юк автомашинаси колодкалари ўт учирин мосламаси билан совутилиб, ҳайдовчи ва шеригига биринчи ёрдам кўрсатилган ҳолда, Поп туман шифохонасига юборилган.

И.МАХМЕТОВ,
“Қамчик” МКЕҚБ ҚГ командири,
кичик сержант.

KORXONADA O’RGANISH

Buxoro neftni qayta ishlash zavodi hududida yong’inlarning oldini olish, zavodning barqaror ishlashini ta’minlash maqsadi-da yong’in-teknik komissiyasi va ko’n-gilli yong’in o’chirish druinalari tashkil etilgan bo’lib, barcha muhandis-teknik xodimlar, ishchi va xizmatchilar bilan yong’inga qarshi yo’riqnomasi va yong’in-teknik minimumi bo’yicha mashg’ulotlar o’tkazib borilmoqda.



Ob-havoning harorati keskin oshib ketishi oqibatida obyektda tunu kun kuchaytirilgan xizmatni tashkil qilinganligi munosabati bilan asosiy ishlab chiqarish va xomashyo, tayyor mahsulotlar sexlaridagi qurilmalarda, rezer-

vuarlarda, o’matilgan sovitish tizimlari tekshirilib, qurilmalamasi sovitish ishlari amalga oshirib kelinmoqda.

A.SHAROPOV,
Buxoro viloyati FVB BNQIZ BYXTTEB inspektori, kapitan.

Бухоро вилоятида жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида ёнғинлар 345 тани ташкил қилди. Аянчлиси – ёнғинларда 5 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олган бўлса, 1 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмди.

ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИЯЛАР

Ёнғин ҳодисалари таҳлил қилинганда, уларнинг келиб чиқишига аҳоли томонидан чиқиндиларни ўқибатида ҳаракатида, тандир ва ўчоқларни ишлатиб бўлгач, ичидаги оловни тўлиқ учирмаслик, белгиланмаган жойларда тамаки чекиш ва ёниб турган гугурт ёки тамаки қолдигини ёнувчи маҳсулотлар устига ташлаш каби омиллар сабаб бўлганлиги аниқланган.

Зариф МАВЛЯНОВ,
Бухоро вилояти ФВБ М ва ТҚТЮБ бошлиғи,
подполковник.
Наргиза АЙНАЗАРОВА,
бўлими бош инспектори,
подполковник.

Бизнинг сұхбат

ҚУЁШ НУРЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ЗАРАРЛИ?



Маълумки, ёз фасли кириб келиши билан мамлакатимизда ҳавонинг ҳарорати ҳам мунтазам оши боради. Айниқса, жазира маълумати инсикда қуёшдан рангли ҳамда кўринмас нурли тўлқинлар ер юзига кела бошлади. Ер сайёрасига турли миқдорда етиб келадиган ультрабинафша нурларининг асосий манбаи қуёш ҳисобланади. Одамларнинг кўзи илғамайдиган инфрақизил ҳамда ультрабинафша нурлар инсон организмига ижобий ва салбий таъсир кўрсатади. Инсоният учун доимо керак бўлган, Ер юзи учун жуда фойдали саналадиган қуёш нурларининг зарарлари, киши саломатлигига таъсири ҳамда қуёш нурлари ҳақида билишимиз зарур бўлган яна баъзи жиҳатлар ҳақида дерматовенеролог Умида Лутпиллаева билан сұхбатлашдик.

— Умида Шукруллаевна, айтингчи, аслида, қуёш нурлари одамлар учун қанчалик фойдали ёки қай даражада зарарли?

— Қуёшдан тарқаладиган А, Б, С тўлқин узунликлари маълум миқдорда инсон организмига салбий таъсир қиласди. Қолаверса, меъёридан ортиқ узунликдаги тўлқинлар турли касалликларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Айтиш лозимки, ёз фаслида ҳар бир куннинг 14 – 15 соати қуёшли ҳисобланади. Бунинг дастлабки 6 – 7 соати, яъни тушлик вақтига қадар бўлган вақти инсон саломатлиги учун фойдалидир. Боиси, айни шу пайтда қуёшдан узатилаётган А, Б тўлқинлар инсон терисига камроқ таъсир курсатади. С нурлар таркибида эса терида қичиш, қизариш ёки доғни вужудга келтирувчи, онкологик касалликларни пайдо қилувчи моддалар бўлади.

— Шу ўринда, жазира маълумати инсонларнинг мунтазам равишда чўимилишининг фойдали ва зарарли жиҳатлари хусусида тўхтамиб ўтсангиз.

— Албатта, тоза ва офтобда кўп қолмаган, оқар сувларга, яъни мунтазам равишда янгиланиб турадиган сувда чўимилишнинг инсон саломатлигидаги ўрни бекиёсdir. Чунки қуёш нурлари таъсирида теридағи айрим бактериялар үлади ва улар сув орқали танани тарқ этади. Аммо одамларнинг мунтазам равишда чўимилиши ёки жуда узоқ вақт давомида сувда қолиши уларнинг терисидаги ҳимоя қатламига қаттиқ зарар етказиш эҳтимоли мавжуд. Ҳимоя қатлами таркиби коллаген ва эластин толалари, ёғ ҳужайралари, қон-томирлари, ёғ безларидан таркиб топган бўлади.

Ўз навбатида, ҳимоя қатлами зарарлангандан сўнг бошқа органлар ҳам шикастланади. Шунинг учун терини куйдирадиган ёки аксинча, музлатиб юборадиган сувларда ювенишдан эҳтиёт бўлиш керак.

— Дарвоқе, қуёш нурида тобланни тери фаолияти учун зарарли эмасми?

— Айни мана шу ҳолатда ҳам яна бир карра “меъёр” тушунчасини эслатиб ўтишимиз даркор. Ҳаддан зиёд кўп вақт давомида қуёш нурларининг тўғридан-тўғри терига тушишининг ўзига хос зарарлари мавжуд. Ҳусусан, терининг барвақт қариши ҳам қуёш нурларининг кейинчалик келтириб чиқариши мумкин асоратларидан биридир. Офтоб нурларининг салбий таъсиридан яна бири – томирларни кенгайтириши ва оёқларда варикоз, юзда эса ингичка томирларнинг ёрилишидан келиб чиқувчи қизил доғлар пайдо бўлишига сабаб бўлишидир. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, оқ терида эга кишиларнинг қуёш нурлари тик тушадиган тана қисми, юз, қўл, бўйнида тез-тез қизариш юзага келади, яъни улар қуёш нурини осонлик билан қабул қиласди. Аммо терининг қайси рангда бўлишидан қатъи назар меъёридан ортиқ тобланиш, ярим соатдан кўп қуёш нурида қолиш куйиш ҳамда терида сув тўпланишига олиб келиши мумкинлиги, бу муддат узайгани сайин жиддий маънода тери куйиши содир бўлиш эҳтимоли мавжудлигини ҳам айтиш жоиздир.

— Ёз фаслида қандай турдаги кийимларни кийган маъқул?

— Пахтадан тайёрланган матолардан тикилган либослар ҳар томонлама фойдалидир. Аслида, йилнинг тўрт фаслида ҳам шу хилдаги кийимларни кийишни тавсия қиласди. Боиси, ҳозир синтетика матоли либослар анча кўпайган. Лекин уларни узоқ муддат кийиб юриш натижасида терининг нафас олиш, моддалар алмашинуви ва бошқа функцияларига зарар етади.

— Қандай рангдаги либослар қуёшдан сақлаши мумкин?

— Асосан, очиқ рангдаги матолардан тайёрланган кийимларни кийган маъқул. Боиси, қора, жигарранг, сиёҳранг каби ранглар қуёш нурларини икки баравар юқори миқдорда ўзига қабул қиласди.

— Қуёш таъсирида қандай касалликлар юзага келиши мумкин?

— Қуёш оқибатида пайдо бўладиган касалликлар гурухи фанда “фо-



тодерматозлар” деб аталади. Улар асосан, терининг бевосита қуёш нурларига доим очиқ қисмларида: бўйин, тирсак, юз, оёқ, деколта қисмida юзага келади. Баъзи бир терилар борки, улар аллергияга мойил, қуёшга таъсирчан бўлади. Ва айнан шундай териларда тошма чиқиши, тери рангининг ўзгариши кузатилади. Қуёш нурлари натижасида саратон касаллиги ҳам келиб чиқиши мумкин. Яъни, давомий ва юқори температурали қуёш нурлари теридаги саратон ҳужайраларини кўзғатиб, фотодерматозларнинг кўпайишига олиб келади.

— Қуёш нурлари таъсирида пайдо бўладиган касалликлардан ҳимоя усуслари хусусида таъсияларингиз...

— Кўплаб беморлар қуёш нурлари таъсирида юзага келадиган “гиперминтация” ҳолати бўйича мурожаат қилишади. Вақтида аниқланган касаллик учун зарур чора-тадбирлар кўрамиз. Шу ўринда, аслида, касаллик пайдо бўлмасидан аввал, унинг олдини олиш зарурлигини эътироф этмоқчимиз. Жумладан, жазира маълумати офтоб кунларида очиқ рангли либос кийган ҳолда, албатта, соябонли бош-кийимда бўлиш лозим. Шунингдек, мутахассис тавсияси билан қуёшнинг турли зарар келтирувчи нурларидан ҳимоя қиласди. Кремлардан фойдаланиш зарур. Бунда ҳам, албатта, терининг терига қараб фойдаланган маъқул. Кремларни ҳар 2 – 3 соатда терига янгидан суриш лозим. Чунки, ҳар қандай ҳимоя кремининг таъсири кучи 2–3 соатдан сўнг йўқолади ва улар ортиқ қуёш нурларидан ҳимоя қиласди.

— Мазмунли сұхбатингиз учун ташаккур.

— Саломат бўлинг.

Анвар ҚОБИЛОВ ва
Диёра МИСРАЛИЕВА
сұхбатлашди.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқулодда
вазиятлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азamat СУЮНОВ

Газета таҳририят компъютерхонасида саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
Б.ВАЛИЕВ

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди ва изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газетадан олинган материаллар манбаси кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигидаги 2007 йил
3 январда 0096-ракам
билин рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-йў.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкилотлар учун – 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-йў
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6630 нусха